

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Якубов Қ. Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация ... 3
Идиев А. “Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар 16

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Алимова Д. Марказий Осиёнинг XVI – XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида..... 27
Абдурасулов Х. Из истории внедрения в Туркестанском крае российских мер и клейменых весов 41
Хуснутдинов Ф. Обзор публикаций по биографии Саййида Махмуда Тарази – представителя туркестанской эмиграции *‘улама’*: достоинства и лакуны 58

ДИПЛОМАТИКА ТАРИХИДАН

Остонов Ж. Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати 82

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Каримова С. Ибн Сино диагностикаси 95
Азизов С. “Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга оид маълумотлар 107

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Трансформация гендерного вопроса в Южной Корее в XX веке 117
Акрамова Ш. Реформа науки и образования в КНР 130

ПЕРСОНАЛИ

Академик Дилорам Юсупова таваллудининг 80 йиллигига қутлов

Асқаров А. Дилором Юсупова – таниқли шарқшунос олима..... 140

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 3 декабрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ДИПЛОМАТИКА ТАРИХИДАН

Ж. Остонов

Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати

Дипломатия, халқаро муносабатлар мамлакатлар ва халқлар ўртасида алоқа ўрнатишда муҳим бўлган йўналиш ҳисобланади. Бирор бир давлат йўққи, ташқи дунё билан алоқа қилмасин. Бу алоқалар даврларга қараб турлича бўлиши мумкин. Табиийки, ёш ва энди мустақил бўлган давлатлар ўзининг мавжудлигини билдириб қўйиш, дунёга очилиш учун ташқи дунё билан, қўшни давлатлар билан ҳамда ўзидан бир мунча кучли бўлган давлатлар билан яхши алоқалар ўрнатишга интилади. Бу жараён тарих бўйича шундай давом этган. Жумладан, XX аср бошидаги Афғонистон ҳам дунёга очилишга, халқаро ҳамжамиятнинг бир бўлаги бўлишга ҳаракат қилган.

Афғонистон тарихининг мазкур даври бир қатор тарихчилар томонидан ўрганилган. Улар қаторига маҳаллий муаллифлардан М.Г.М. Ғубар [4], Шаиста Ваҳаб [13], Абдул Ғани [12], Амин Саиқал [11] кабиларни санаш мумкин.

М. Г. М Ғубар томонидан ёзилган Афғонистон тарихини қадим замонлардан XX асрнинг 80 йилларигача бўлган даврни қамраб олувчи “Афғонистон дар маасири тарих” (“Афғонистон тарих йўлида”) асарининг иккинчи томи мамлакатнинг XX асрга оид тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади [4]. Шунингдек, Афғонистон тарихининг XX аср биринчи чорагини муфассал ёртиган яна бир асар Абдул Ғанига тегишлидир.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари ортидан АҚШ қўшинларининг Афғонистонга кириши ортидан бу мамлакат тарихига қизиқиш янада ортди. Шу сабабдан, хорижда юрган бир қатор Афғонистонлик тадқиқотчилар мамлакат тарихини ёритадиган ишларни амалга

оширдилар. Шулардан бири Шаиста Ваҳабдир. Небраска университети ўқитувчиси Шаиста Ваҳаб Афғонистон тарихини ёритиб берган “A brief history of Afghanistan” (“Афғонистоннинг қисқа тарихи”) китобида мамлакат тарихини қадимдан то 2010 йилгача бўлган даври ҳақида маълумотлар беради. Жумладан, биз мақолада тилга оладиган давр ҳақида ҳам қимматли маълумотларни топиш мумкин [13].

Афғонистон тарихининг яна бир қимматли замонавий манбаларидан бири Австралия миллий университети профессори Амин Саикалнинг “Modern Afghanistan. A History of Struggle and Survival” (“Замонавий Афғонистон. Кураш ва омон қолиш тарихи”) китобидир. Китобда Нодиршоҳ замонидан бошлаб мамлакат тарихи таҳлилий тарзда ёритиб берилган. Унда қабилавий жараёнлар, миллий уйғониш, коммунизм хуружи, демократик тажрибалар, Совуқ урушнинг мамлакат ҳаётига таъсири, мужоҳидлар ва Толибон ҳақида қимматли маълумотларга урғу берилган [11].

Бундан ташқари, Россия, Ўзбекистон, Тожикистон, Буюк Британиялик тарихчиларнинг ҳам асарлари мазкур даврда юз берган муҳим ижтимоий, иқтисодий, сиёсий воқеалар ҳақида батафсил маълумотлар беради. Массон В.М, Ромодин В.А [7], Коргун В.Г [6], Босин Ю.В [3], Панин С.Б [9], Бабаходжаев М.А [2], Имомов Ш [5], Назаров Х.Н [8], Перси Сайкслар [13] ишлари мазкур даврни ёритишда муҳим манбалар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек афғоншунослигида XX аср Афғонистон тарихини ўрганишда М.А. Бабаходжаевнинг ишлари муҳим аҳамиятга эга. У ўз ишларида мамлакатнинг XIX аср охири – XX асрдаги ижтимоий ва ташқи иқтисодий фаолиятига доир қимматли маълумотларни келтиради.

XIX аср – XX асрнинг биринчи ярмида бу мамлакатдаги ижтимоий тафаккур тарихи тожик шарқшуноси Ш. Имомов томонидан батафсил ўрганилган.

Россиялик тарихчи В. Г. Коргун асарларида Афғонистоннинг XX аср тарихи жуда кенг ёритиб берилган. Айниқса, биз мақолада тилга оладиган давр ва воқеалар тарихий ҳужжатлар ва манбалар орқали муфассал ёритиб берилган. Лекин шунга қарамай, муаллиф баъзи ўринларда Совет мафкурасидан қолиб кетган қарашларни

илгари сурган. Жумладан, “феодализм”, “панисламизм” каби атамаларни ишлатган.

С.Б. Панин Афғонистон ва Совет Иттифоқи алоқаларига бағишланган ишида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар тарихини жуда яхши ёритиб берган.

Умуман олганда, Совет даври тарихчилигида Афғонистонга қараш коммунистик мафкура нуқтаи назаридан туриб ёритилган. Бу анъана Россия ва МДҲ давлатлари тарихчилигида ҳам маълум даражада сақланиб қолган.

ХХ аср бошида бутун дунёда ўзгаришлар, янгиланишлар, инқилоблар, ислоҳотлар, урушлар авж олган эди. Ана шундай шароитда Марказий Осиёнинг жанубида Афғонистон ҳам ўзига хос тарзда мавжуд эди. Мамлакат иккинчи инглиз-афғон урушидан кейин ташқи сиёсат борасида Буюк Британия назорати остига тушиб қолади. Мамлакат ички ишларда мустақилликни сақлаган бўлсада, ташқи сиёсат Британия Ҳиндистони вице қироли воситасидагина амалга оширилар эди [9: 5].

Бу сиёсат 1919 йилгача давом этди. Шу йили тахтга ўтирган ёш амир Омонуллахон мамлакатни мустақиллик сари етаклай олди. Буни биз Омонуллахон даври тарихини ўрганган муаллифларнинг асарларидан билиб оламиз. Хусусан, М. Г. Пикулин бу фикрни қўллаб-қувватлайди [10: 290]. “Учинчи инглиз-афғон уруши”дан кейин 19 август куни Афғонистон расман мустақил деб эълон қилинди. Шу йилдан бошлаб мамлакат ташқи сиёсатга ҳам эътибор қаратишни бошлади. Афғонистонни мустақил давлат сифатида тан олган биринчи давлат Совет Россияси эди. Аслида, 1919 йилнинг 27 мартида Совет Россияси Афғонистоннинг мустақиллигини тан олганини эълон қилди [4: 125].

Совет Россиясининг ташқи ишлар халқ комиссариати дипломатик алоқалар ўрнатиш борасида тайёргарлик кўришни бошлади. Аммо ишлар турли сабабларга кўра секинлик билан борди. С.Б. Паниннинг ёзишича, Кремлда Афғонистоннинг янги ҳукуматининг сиёсий йўналиши ҳақида аниқ тасаввурлар йўқ эди. Шунингдек, Афғонистон Совет ҳукумати наздида “феодализм уяси” эди. Бундан ташқари, Россиядаги фуқаролар уруши ҳам Афғонистон

ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар ва миссиялар алмашинувига тўсқинлик қилиб турар эди [9: 15].

Юқоридаги омиллар Совет ҳукуматини Кобулга амалга ошириладиган дипломатик миссияни РСФСР номидан Туркистон автоном совет социалистик республикасига юклашига сабаб бўлди. Совет Россиясининг Афғонистонни мустақил давлат деб тан олишига жавобан янги афғон ҳукумати 1919 йил 7 апрель куни Совет Россияси ташқи ишлар халқ коммиссари Г. Чичеринга мактуб йўллади. Мамлакат ташқи ишлар вазири Маҳмудбек Тарзи томонидан жўнатилган мактубда Совет Россияси билан дипломатик алоқалар ўрнатиш истаги баён қилинган эди [6: 59].

Худди шу куни яна битта мактуб Омонуллахон номидан РСФСР халқ комиссарлари совети раиси В.И. Ленинга юборилган эди. Унда Омонуллахон ўзининг тахтга ўтирганини ва Совет Россияси билан дўстлик ва иттифоқ тузиш истаги ҳақида маълум қилди.

Биринчи мактубга жавоб келишини кутмасдан, Омонуллахон шу йилнинг 21 апрель куни В.И. Ленин номига иккинчи мактубни жўнатди. Унда икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш мақсадида генерал Муҳаммад Валихон бошчилигида Россияга элчилар жўнатаётганини маълум қилди [6: 60].

Омонуллахоннинг бу ҳаракатлари мустақиллик учун кураш олиб бораётган Афғонистон учун ташқи дастак олишга имкон бериши керак эди. Айнан шундай мақсадлар билан апрель ойининг охирида Муҳаммад Валихон бошлиқ элчилар делегацияси Россияга қараб йўлга тушди. Делегация Россиядаги фуқаролар уруши сабаб Тошкентда ушланиб қолишига тўғри келди. 4 июнда Тошкентга етиб келган афғон делегацияси 10 октябрдагина Москвага етиб борди. 14 октябрда эса делегация раҳбари Муҳаммад Валихон шахсан В.И. Ленин билан музокаралар олиб борди [4: 126].

Совет Россияси ҳам Афғонистон элчилигига жавобан 1919 йилнинг ўзида Кобулга ўз элчиларини юборди. Н.З. Бравин бошчилигидаги Совет делегацияси 1919 йилнинг июнь ойида Тошкентдан Кобулга қараб темир йўл орқали йўлга тушди. Миссия таркибида М.И. Зибаров, К.М. Куликов, А. Авлоний, Б.Н. Иванов каби большевиклар ҳам бор эди [9: 19]. Миссияда қатнашган Туркистонлик Абдулла Авлонийнинг эсдаликларида қайд этилишича,

Муҳаммад Валихон билан афғон миссияси таркибида Тошкентга келганларнинг бир гуруҳи Россия делегацияси билан ортга қайтишга мажбур бўлган. Улар Мирзо Абдулраҳим Абдулқаюм ўғли бошлиқ эллик афғон аскари ва бир сартарош эди [1: 182].

Делегация аъзолари 21 августда Кобулга етиб борди. А.Авлонийнинг хабар беришича Кобулга борган рус ваколасидан фақат Н.З. Бравин 6 сентябрь куни Амир Омонуллахон билан кўришади. Кейинчалик, сентябрь ойи давомида қолган аъзолар ҳам амир билан кўришишга муваффақ бўлади [1: 196].

Шундан кейин, шу йилнинг ноябрь ойида Ленин яна бир элчилик миссиясини Кобулга юборди. 1919 йил 14 декабрь куни Н.З. Бравин фавқулодда ва мухтор элчи сифатида Кобулга етиб келди. 1921 йилнинг 28 февраль куни икки давлат ўртасида Дўстлик ҳақида битим имзоланди [4: 126].

Шу тариқа, Совет давлати ва Афғонистон ўртасидаги илиқ муносабатлар 1929 йил Омонуллахоннинг тахтдан ағдарилишигача давом этди. Тахтни сақлаб қолишда Совет Иттифоқининг Омонуллахонга берган ёрдами натижа бермади. XX асрнинг 50–60 йилларигача бўлган даврдаги алоқаларда катта силжишлар юз бермади. Бравин эса кейинчалик инглизлар билан алоқада гумонланиб 1921 йил январь ойида ўзининг қўриқчиси томонидан ўлдирилди [4: 67].

Албатта, икки давлат ўртасидаги алоқаларга баъзи соя солиб турувчи масалалар ҳам бор эди. Бу асосан Бухоро билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик БХСРнинг тугатилиши билан ҳал этилди. Бундан ташқари Бухоронинг собиқ амири Олимхонга Омонуллахон бошпана бергани ҳам икки ўртадаги алоқаларга соя солиб турди.

Омонуллахон 1919 йил 7 апрель куни Россия билан биргаликда Япония, Франция, АҚШ, Эрон ва Туркияга ҳам дўстона руҳда битилган номалар юборди. Унда амир Афғонистонни мустақил давлат эканлигини таъкидлаган эди [4: 60].

Буюк Британия ҳукуматига йўлланган мактубга жавоб 15 апрелда келди. Ҳиндистон вице-қироли томонидан йўлланган жавоб мактубида Британия ҳукумати Афғонистон билан фақатгина олдинги афғон ҳукумати билан тузилган шартнома ва шартлар асосида ҳамкорлик қилишга тайёрлиги айтилган эди. Бу эса Буюк

Британиянинг Афғонистон мустақиллигини тан олмаслигини англатар эди. Шундан кейин Омонуллахон ҳарбий ҳаракатларга тайёрлана бошлади.

1919 йил май-август ойларида Учинчи инглиз афғон уруши бўлиб ўтди. Уруш натижалари Ҳиндистоннинг Равалпинди шаҳрида бўлиб ўтган музокараларда ҳал этилди. Икки томон ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, Буюк Британия Афғонистоннинг мустақиллигини тан олди [7: 397].

Буюк Британиянинг Учинчи инглиз-афғон урушидаги муваффақиятсизлигига бир нечта сабаблар бор эди. Биринчидан, Ҳиндистонда бошланган мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар. Иккинчидан, Буюк Британиянинг Кавказда ва Каспиёртида Россияга қарши олиб бораётган уруши. Учинчидан Биринчи жаҳон урушидан чиққан Британия ҳукумати Афғонистонга етарли эътибор қила оладиган даражада эмасди. Айнан шу сабаблар туфайли ҳам Буюк Британия урушдаги устунлигига қарамасдан, тинчлик шартномасини имзолашга мажбур бўлди. Инглизлар ва Афғонистон ўртасидаги якуний тинчлик шартномаси 1921 йилнинг ноябрь ойида имзоланди.

Афғонистоннинг Совет Россияси билан ўрнатган алоқаларидан кейин унинг халқаро миқёсда тан олиниши осонлашди. Бошқа Европа давлатлари орасида Афғонистон билан илк дипломатик алоқа ўрнатган давлат Италия бўлди. Бу воқеа 1921 йилнинг 3 июнида содир бўлди. Орадан бир йилча вақт ўтиб, 1922 йилнинг апрель ойида Афғонистон Франция билан ўзаро дипломатик ва савдо алоқаларини ўрнатди. Кейинчалик, Бельгия ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар ҳам Афғонистон билан дипломатик алоқалар ўрнатди [7: 403].

Афғонистоннинг ўша даврдаги ташқи сиёсатида мусулмон дунёси билан алоқалари ҳам алоҳида эътибор талаб қиладиган ҳодисадир. Жумладан, унинг Туркия, Эрон, Бухоро ва Хоразм билан алоқалари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Туркия расмийлари, хусусан Жамол Пошо совет-афғон муносабатлари ўрнатилишида катта роль ўйнаган муҳим шахсиятлардан бири эди. У афғон расмийларини Советларнинг Шарқда “панисломизм” ривожига ёрдам беришига ишонтира олди ва янги Россияга нисбатан ишончсизлик кайфиятини бартараф этишга эришди. Шу тариқа Афғонистон ва Туркия ўртасида

1921 йилнинг 21 март куни Москвада турк-афғон келишуви имзоланди. Унда Афғонистон мустақиллиги тан олинди [6: 75].

Ҳужжатда барча Шарқ халқларининг озодлик ва мустақилликка бўлган ҳуқуқи тан олинди. Икки давлат учинчи бир давлат билан бир-бирига қарши ва огоҳлантирмасдан шартнома тузмаслик мажбуриятини олди. Шу тариқа икки давлат ҳам бир-бирининг ташқи сиёсатига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Туркия Афғонистонга армияни қайта ташкил қилиш ва ўқитиш учун ҳарбий маслаҳатчилар юбориш мажбуриятини олди. Шунингдек, икки давлат ҳам Бухоро ва Хоразм мустақиллигини тан олди.

Омонуллахон ташқи сиёсатининг навбатдаги йўналиши қўшни Эрон тарафга қаратилди. Аммо бу пайтда Эроннинг ўзидаги вазият анча мураккаб эди. Давлат инглизлар томонидан эгалланган ва бир қанча ҳудудларда сепаратистик ҳаракатлар авж олган эди. Жумладан, Ғилон, Курдистон, Хуросонда қўзғалонлар юз бераётган эди. Фақатгина, 1921 йилга келибгина инглизлар ўз қўшинларини мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетди. Шу йили машҳур қўмондон Ризохон мамлакатда ўз нуфузини яхшилаб олди ва 1922 йилда барча рақибларини мағлуб этди. Мамлакатда марказлашган ҳукумат тузилди [4: 127].

1921 йилнинг 22 июнь куни Эрон ва Афғонистон ўртасида дўстлик ва бетарафлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартноманинг иқтисодий қисми Афғонистон учун муҳим аҳамиятга эга эди. У Афғонистон учун илк божхона ва почта алоқаси ҳақидаги келишув эди. Бу орқали Омонуллахон минтақадаги мавқейини, шунингдек, Афғонистондаги шиалар олдида ҳам обрўсини кўтариб олди [6: 76].

Юқорида Афғонистоннинг Бухоро билан алоқалари ҳақида эслаб ўтган эдик. Афғонистон Совет Россияси билан тузилажак шартномаларда Бухоронинг мустақиллигини тан олиш масаласи ҳам ўрин олган эди. Умуман, Омонуллахон ҳукмронлигининг илк йилларида ўзини мусулмон оламининг чинакам лидери сифатида ҳис қилар эди ва шунинг учун ҳам мусулмон давлатлар билан алоқаларини яхшилаш билан бирга уларга ўз таъсирини кўрсатишга ҳам ҳаракат қилар эди. Бунга бир қанча сабаблар бор эди.

Биринчидан, бу пайтга келиб мусулмон дунёсининг ягона етакчиси ҳисобланадиган Усмонли инқирозга юз тутган, халифалик институти заифлашиб қолган эди.

Иккинчидан, ўша даврда чинакам мустақил бўлган мусулмон шарқидаги ягона мутлақ монархия Афғонистон эди.

Учинчидан, Омонуллахон Бухорода ўз таъсирини кучайтириш эвазига Совет Россияси билан Афғонистон ўртасида буфер ҳудудни яратишни мақсад қилган эди. Ҳатто Бухорога ёрдам сифатида афғон қўшинларидан иборат отрядни ҳам жўнатган эди. Кам сонли бўлган бу қўшин, асосан, Бухоро армиясига таълим бериш билан шуғулланган эди[1].

Аммо 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амир ҳокимияти қулатилгач, Омонуллахоннинг режалари амалга ошмаслиги аён бўлиб қолди. Шунга қарамай, Омонуллахон янги тузилган Бухоро Республикаси билан ҳам алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. Бухородаги афғон аскарларининг бир қисми Олимхон билан бирга кетган бўлса, бир қисми кейинчалик юртга қайтиб кетди. Омонуллахон Бухоронинг собиқ амирига бошпана берган бўлсада, унга Бухорода ҳокимиятни қайтариб олишида ёрдам бермади ва унинг ҳаракатларини чеклаб қўйишга мажбур бўлди.

1920 йилнинг 15 сентябрь куни Бухоронинг янги ҳукумати Афғонистонга икки давлат ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатишни таклиф қилди. Бунга жавобан 20 октябрь куни Омонуллахон Бухорога Абдулҳодий Давийни элчи қилиб юборди. Бухоро афғон ҳукуматини мамлакат ички ишларига аралашмаслик ҳақида огоҳлантирди. Бухоро кейинчалик ҳам Афғонистон билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келди. Аммо Бухоронинг ташқи сиёсатда бундай фаоллиги Москвага хуш келмади.

1922 йилда ёзида РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги Бухородаги Афғонистон элчисини “босмачилар” билан ҳамкорлик қилишда айблади ва афғон ҳукуматидан уни чақириб олишни талаб қилди. Шундай қилиб, шу йили ёзда Хива ва Бухородаги афғон элчилари мамлакатга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Афғонистоннинг

[1] М.В. Фрунзенинг 1920 йил 23 майдаги В.И. Ленин номига йўллаган Бухоро амирининг Туркистон Совет республикасига ҳарбий юришига тайёргарлик кўраётгани ҳақидаги хизмат хатида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда тадқиқотчи В.Г. Коргун мазкур хулосани берган.

октябрь ойида жўнатган янги элчилари эса Россия талаби билан мамлакатга киритилмади. Шу тариқа Кобулдаги Бухоро элчиси Ҳошим Шаек Москва талаби билан чақириб олинди ва 1923 йилга келиб Бухоро Кобулдаги дипломатик миссиясини якунлаганини эълон қилди [6: 79].

Омонуллахон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида олиб борган фаол ташқи сиёсатни кейинчалик ҳам давом эттиришга ҳаракат қилди. Жумладан, 1927–1928 йилларда бир қатор Европа давлатлари бўйлаб саёҳатларни амалга ошириб, янги шартномалар тузиб келди. Аммо давлат тўнтариши оқибатида тахтдан ағдарилиши кўп соҳалар сингари ташқи сиёсатда ҳам амалга оширмоқчи бўлган ишларининг якунланмай қолишига сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Омонуллахоннинг фаолиятини икки қисмга бўлиш мумкин. Анъаналарга, қадриятларга содиқ, шу билан бирга ислоҳотлар қилишга ҳаракат қилган фаолиятининг дастлабки қисми ҳамда ғарблашган, яъни либерал ғояларга берилган иккинчи қисми.

Омонуллахоннинг Совет Россияси билан алоқаларни яхшилашга уриниш сиёсатини қуйидаги омиллар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, Омонуллахон дастлаб Россия ва Буюк Британия агрессиясидан сақланиш учун АҚШга дипломатик муносабатлар ўрнатиш таклифини билдирган, аммо унга ижобий жавоб ола билмаган эди. Шунингдек, Япония ҳам Буюк Британия таъсири остида Афғонистон билан алоқаларга шошилмади. Омонуллахон умид қилиши мумкин бўлган яна бир давлат Германия эса бу пайтда халқаро сиёсатга эътибор берадиган ҳолатда эмасди. Шу туфайли Веймар Республикасига қилинган таклифлар ҳам ижобий якунламади.

Иккинчидан, Марказий Осиёдаги вазиятнинг издан чиқиши, Бухоро ва Хоразмнинг мустақиллигининг йўқотилиши Омонуллахонга бошқа йўл қолдирмади. Оқибатда у Буюк Британия босимидан қутилиш учун ягона чора сифатида Совет Россияси билан яқинлашга мажбур бўлди.

Қолган давлатлар билан алоқалар эса, ўзаро ҳамкорлик доирасида давом этди. Фақатгина Туркия бир қатор соҳаларда Афғонистон ҳукуматига кўмак берди.

Нима бўлганда ҳам Омонуллахон Афғонистонни халқаро ҳамжамиятга танилишида ва ўз сўзига эга бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсат арбоби сифатида мамлакат тарихида қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлоний А. Афғон саёҳати // Шарқ юлдузи. Тошкент, 1990. №7. Б. 182–199.
2. Бабаходжаев М.А. Очерк социальной истории Афганистана начала XX века. Ташкент, 1975.
3. Босин Ю.В. Афганистан: полиэтническое общество и государственная власть в историческом контексте. Москва, 2002.
4. Губар М.Г.М. Афганистан на пути истории / Перевод с дари, М. Давлятова. Москва, 1987.
5. Имомов Ш. История общественной мысли Афганистана во второй половине XIX–первой половине XX века. Москва-Душанбе, 2001.
6. Коргун В.Г. История Афганистана XX век. Москва, 2005.
7. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Москва, 1965.
8. Назаров Х.Н. Социальные движения 20-х годов в Афганистане. Душанбе, 1982.
9. Панин. С.Б. Советская Россия и Афганистан. Иркутск, 1993.
10. Пикулин М.G. Афганистан (Экономический очерк). Ташкент, 1956.
11. Amin Saikal. Modern Afghanistan: A History of Struggle and Survival. London, 2004.
12. Ghani, Abdul. A Brief History of Afghanistan. Lahore, 1989.
13. Shaista Wahab. A brief history of Afghanistan. New York, 2010.
14. Sykes, Percy. A History of Afghanistan. V. 1-2, 1940.

Ж. Остонов

Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати

Мақолада кўтарилган мавзу Афғонистон тарихини ўрганишда муҳим даврда юз берган воқеаларни қамраб олиши билан долзарб. Афғонистонда юз бераётган замонавий жараёнларни таҳлил қилишда унинг тарихий илдизларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мақолада Афғонистоннинг Омонуллахон ҳукмронлиги йилларининг дастлабки босқичида ташқи сиёсат борасидаги йўналишлари очиб беришга ҳаракат қилинган. Унда мамлакатнинг Совет Россияси, Буюк Британия, Туркия, Эрон ва Бухоро билан алоқаларига асосий урғу берилган. Жумладан, Афғонистонни биринчи бўлиб мустақиллигини тан олган Совет Россияси билан дипломатик алоқалар ўрнатиш тарихига батафсил тўхталиб ўтилган. Шунингдек, Учинчи инглиз-афғон уруши ҳақида ҳам қисқача маълумот берилган. Омонуллахоннинг Бухоро воқеалари пайтидаги ҳаракатлари ҳақида ҳам баъзи маълумотлар берилган. Бухоро-афғон муносабатларининг ривожланишини истамаган Москва Бухоронинг ташқи сиёсат борасидаги ҳаракатларини чеклашга ҳаракат қилди. Бу эса Омонуллахонга Бухоро борасидаги режаларини амалга оширишга имкон бермади. Кобулдаги Бухоро элчихонасининг ёпилиши ва 1924 йилдаги СССРдаги миллий-ҳудудий чегаралаш Омонуллахоннинг барча ниятларини пучга чиқарди.

Мақолада бўлиб ўтган воқеалар ўрганилиб, улардан олинган хулосалар ва оқибатлар таҳлил қилинди. Бунда тарихчилар берган маълумотлар ва хулосаларга таянилди.

Калит сўзлар: *Афғонистон, Буюк Британия, Совет Россияси, Бухоро, Эрон, Ҳиндистон, Омонуллахон, Ленин, Маҳмуд Тарзий, дипломатик алоқалар, ташқи сиёсат.*

Ж. Остонов

Внешняя политика эмира Афганистана Аманулы-хана

Тема, затронутая в статье, актуальна, поскольку охватывает события, произошедшие в важный период в истории Афганистана.

Изучение его исторических корней также важно при анализе современных процессов, происходящих в Афганистане. В статье делается попытка пролить свет на внешнюю политику Афганистана в первые годы правления Аманулы-хана.

Основное внимание уделяется отношениям страны с Советской Россией, Великобританией, Турцией, Ираном и Бухарой.

В частности, подробно обсуждалась история установления дипломатических отношений с Советской Россией, которая первой признала независимость Афганистана.

Также есть краткая информация о Третьей англо-афганской войне. Приводится некоторая информация о действиях Аманулы-хана во время событий в Бухаре. Не желая развивать бухарско-афганские отношения, Москва стремилась ограничить внешнеполитические усилия Бухары. Это помешало Аманулле осуществить задуманное в отношении Бухары.

Закрытие посольства Бухары в Кабуле и национально-территориальное разграничение СССР в 1924 году сорвали все намерения Аманулы-хана.

В статье исследуются произошедшие события, анализируются сделанные из них выводы и последствия. Он был основан на информации и выводах историков.

Ключевые слова: *Афганистан, Великобритания, Советская Россия, Бухара, Иран, Турция, Аманулах-хан, Ленин, Махмуд Тарзи, внешняя политика, дипломатические отношения.*

J. Ostonov

Foreign policy of the Emir of Afghanistan Amanullah-khan

The topic raised in the article is relevant as it covers the events that took place during an important period in the study of the history of Afghanistan.

The study of its historical roots is also important in the analysis of modern processes taking place in Afghanistan. The article seeks to shed light on Afghanistan's foreign policy in the early years of Amanullah-khan's rule.

It focuses on the country's relations with Soviet Russia, Great Britain, Turkey, Iran and Bukhara.

In particular, the history of establishing diplomatic relations with Soviet Russia, which was the first to recognize Afghanistan's independence, was discussed in detail.

There is also a brief information of the Third Anglo-Afghan War. Some information is also given about Amanullah-khan's actions during the events in Bukhara. Unwilling to develop Bukhara-Afghan relations, Moscow sought to limit Bukhara's foreign policy efforts. This prevented Amanullah-khan from carrying out his plans for Bukhara.

The closure of the Bukhara embassy in Kabul and the national-territorial demarcation of the USSR in 1924 thwarted all of Amanullah-khan's intentions.

The article examines the events that took place and analyzes the conclusions and consequences drawn from them. It was based on information and conclusions provided by historians.

Key words: *Afghanistan, Great Britain, Soviet Russia, Bukhara, Iran, Turkey, Amanullah-khan, Lenin, Mahmud Tarzi, foreign policy, diplomatic relations*